

## Дуолар ижобат бўладиган кун



13:08 / 15.06.2024 2210

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Арафа куничалик Аллоҳ бандани дўзахдан кўпроқ озод қиладиган кун йўқдир. Албатта, У зот яқинлашиб келади ва улар билан фаришталар олдида фахрланиб: «Анавилар нимани хоҳлашяпти?» дейди».**

*Имом Муслим ривояти.*

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дуоларнинг энг афзали Арафа кунига дуодир. Мен ва мендан олдинги Пайғамбарлар айтган дуонинг энг афзали: «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли**

**шайъин қодийр»** - дедилар.

*Имом Термизий ривояти.*

Ибн Абдул Бар «**Мазкур ҳадис арафа кунининг дуоси кўпинча мақбуллиги ва энг афзал зикр «Лаа илааҳа иллаллоҳ» эканига далилдир**», деди.